# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 19 май, № 104 (7884) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ КУН ТАРТИБИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

**18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон банки президентининг ўринбосари Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**





Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатимизда ва умуман, минтақада барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорлик даражасини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Анна Бьердени Жаҳон банки президентининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинлангани билан самимий табриклаб, унга катта муваффақиятлар тилади.

Кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси катта мамнуният билан қайд этилди.

Банкнинг ҳар томонлама кўмаги билан мамлакатимизда бозор ислоҳотлари ва ижтимоий янгиланишлар дастурини амалга ошириш давом этаётгани таъкидланди.

Жаҳон банки гуруҳининг тузилмалари иштирокидаги лойиҳаларни илгари суриш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуи белгиланган «Йўл харитаси» амалга оширилмоқда, «Мамлакат платформаси» тизими жорий этилган.

Лойиҳаларнинг умумий портфели 7 миллиард долларга етмоқда. Амалдаги дастур таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, транспорт каби устувор соҳалар ва бошқа кўплаб йўналишларни қамраб олган умумий қиймати 4,1 миллиард долларлик 23 та лойиҳани ўз ичига олган.

Жаҳон банки пандемия оқибатларини енгиб ўтиш мақсадида биринчилардан бўлиб ёрдам кўрсатди. Биргина ўтган йилда 1,6 миллиард долларлик янги лойиҳалар маъқулланди.

Бундан ташқари, банк экспертлари маслаҳат-техник кўмак кўрсатмоқда, давлат корхоналарини трансформация қилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, электр энергетикасининг барча бўғинларини ислоҳ этишда қатнашмоқда. Муқобил энергия манбаларини жорий қилиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришилди.

Делегация ташрифи давомида сув таъминоти тизимини яхшилаш ва инновациялар соҳасидаги миллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати қарийб 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида битимлар имзоланди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан янги беш йиллик Шериклик дастурини пухта тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Жаҳон банки президенти ўринбосари Анна Бьерде банк мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни юксак баҳолаши ва уларни амалга оширишда зарур кўмак кўрсатишда давом этишини таъкидлади.

«Ўзбекистон тарихан қисқа даврда жуда катта ишларни амалга оширди. Ислоҳотлар мамлакатнинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфасини фундаментал равишда ўзгартириб юборди. Шу туфайли мамлакатингиз хорижий инвесторлар учун жозибадор», деди етакчи халқаро молиявий институт раҳбари.

Ўзбекистон Президенти томонидан Жаҳон банки билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича таклиф этилган янги кун тартиби тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Хусусан, кун тартибидан қуйидаги шериклик йўналишлари ўрин олган:

— энг аввало, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ишбилармонлик ташаббусларини илгари суриш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш;

— сезиларли натижаларга эришиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан ошириш мақсадида олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгиланишлар самарадорлигини ошириш;

— республика ҳудудларини жадал индустриаллаштириш дастурини амалга ошириш ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш лойиҳасини давом эттириш;

— тараққиётнинг инновацион моделига ўтиш, «яшил иқтисодиёт»ни жорий қилиш;

— ер муносабатлари соҳасидаги ислоҳотларни давом эттириш;

— коррупцияга қарши курашиш ва давлатнинг ривожланиш институтлари салоҳиятини ошириш;

— йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини биргаликда илгари суриш.

Учрашув якунида ҳамкорликнинг юксак суръатларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги стратегик шерикликка доир устувор дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида доимий мулоқотлар ва самарали алмашинувларни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ПАРАЛИМПИЯ ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юртимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5924-сон ва 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6099-сон фармонларига мувофиқ:

1. **Қуйидагилар паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин**:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида **спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш**;

барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун **спорт бўлимларини** босқичма-босқич **ташкил этиш** ҳамда иқтидорга эга бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишини таъминловчи **узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш**;

**ривожлантирилаётган (мавжуд), янги ташкил этилаётган ва келажакда янги ташкил этилиши режалаштирилган** паралимпия спорт турларини ҳар томонлама ривожлантириш ва оммалаштириш;

паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда **илмий тадқиқотлар олиб бориш**;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг **жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рағбатлантириш**, жисмоний ва ижтимоий мослашуви интеграциясини дастурий-услубий таъминлаш, **касбий реабилитация ва кадрлар тайёрлаш**;

спорт таълим муассасаларида (шу жумладан, олий таълим муассасаларида) фаолият юритаётган паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини кучайтириш**;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида махсус таълим муассасаларида ҳамда маҳаллаларда **спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш**;

барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун **замонавий моддий-техник базани шакллантириш**.

**(Давоми 2-бетда).**

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Тинчлик ва соғлиқ — инсон ҳаёти учун энг керакли неъматлар. Бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Сўнгги бир йилда тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу йил соҳага бюджетдан 21 триллион сўм, яъни 2017 йилдагига нисбатан 3 баравар кўп маблағ ажратилди.

Лекин тизимда самарадорлик ва аҳолига қулайликларни ошириш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак. Жойларда ўтказилган сўровларда бор-йўғи 13 фоиз аҳоли тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни сезаётганини айтган.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифаларни 5 та йўналишда кўрсатиб ўтди.

Биринчиси — бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш.

Иккинчиси — ихтисослаштирилган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш.

Учинчиси — рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Тўртинчиси — тиббиётнинг барча йўналишида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш.

Бешинчиси — тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш.

Йиғилишда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

**— Тиббиётдаги ислоҳотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади, соғлиғини тиклаб олади. Соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ҳар бир қишлоқ шифокори билан, ҳамширалар билан гаплашиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб, чора-тадбирлар кўрса, албатта ўзгариш бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Аввало, оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда 250 дан зиёд касалликларнинг 87 тасини бирламчи бўғинда даволаш мумкин. Бунинг учун мазкур бўғинни малакали кадрлар, шошилинч ёрдам учун зарур 50 хил дори ва 16 турдаги тиббиёт воситалари билан таъминлаш керак.

Президент сурункали касалликларни бирламчи бўғинда даволаш, айниқса, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак хасталиклари профилактикасини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бирламчи бўғинда даволаш зарур бўлган касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар пакети жорий этилиши белгиланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда оилавий шифокорлар малакасини ошириш, "Қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларга мутахассисларни жалб қилиш кераклиги қайд этилди. Оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Юртимизда 17 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази бор. Улар томонидан жойларда тиббий кўриклар ўтказилаётгани натижасида касалликлар эрта аниқланиб, оворагарчиликларнинг олди олинмоқда.

Хусусан, Фтизиатрия ва Педиатрия марказлари барча ҳудудда ўз филиалларини ташкил этгани боис, Тошкентга келувчи беморлар сони сўнгги 2 йилда қарийб 20 фоизга камайган.

Давлатимиз раҳбари ихтисослаштирилган марказлар билан вилоят, туман ва шаҳар шифохоналарини самарали боғлаб, малакали тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш зарурлигини таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

*2021 йил 18 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Озарбайжон, Жазоир, Афғонистон, Бангладеш, Беларусь, Венгрия, Вьетнам, Грузия, Миср, Ҳиндистон, Иордания, Эрон, Хитой, Марокаш, Непал, Ўмон, Покистон, Парагвай, Россия, Руанда, Руминия, Сенегал, Сингапур, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Япония каби дунёнинг турли минтақаларидан 60 дан ортиқ давлатлар ушбу резолюция ҳаммуаллифлари бўлди.*

Маълумки, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ташаббуси 2018 йил август ойида Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи-давлатлари раҳбарларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илк бор илгари сурилган эди.

➡ 2

### Давлат қарзи:

## КЎПИНЧА БИЗ ЎЗ ҚАРИЧИМИЗ БИЛАН МАМЛАКАТНИНГ КАТТА СИЁСАТИНИ ЎЛЧАМОҚЧИ БЎЛАМИЗ. БУ ТЎҒРИ ЭМАС...

*Ўзбекистоннинг ташқи қарзи билан боғлиқ масала ҳар доим ва ҳамма учун қизиқ бўлган. Шу боис бу ҳақда турли фикр-мулоҳазалар ва қарашлар билдирилаётганидан хабарингиз бор. Биз мазкур мавзуга чуқурроқ ёндашиш, мавзу моҳиятини теранроқ очиб бериш мақсадида соҳа мутахассислари билан суҳбатлашишни режалаштирганмиз.*

*Бугунги суҳбатдошимиз — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаров.*

### Бизнинг суҳбат

**— Сўнгги пайтларда Ўзбекистон давлат қарзи, хусусан, ташқи қарз ва унинг таркиби бўйича маълумотлар эълон қилингач, жамоатчилик орасида давлатнинг ташқи қарзи билан боғлиқ масалаларда турли қарашлар, муносабатлар билдирилмоқда. Кимдир соҳани тушуниб, кимдир эса тушунмасдан ўз фикрини уқтиришга интиляпти. Мутахассис сифатида бу борада қандай фикрдасиз, давлат ташқи қарзи қандай тушунча ва унинг ошиб бориши фуқароларнинг шу каби хавотирларига асос бўла оладими?**

— Ҳақиқатан ҳам, сўнгги 3-4 йил ичида Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ошиб бораётганини ҳаммамиз кузатиб турибмиз. Дунёда бу борада кечаётган вазиятни ўрганадиган бўлсак, шуни яққол кўришимиз мумкинки, мамлакат қанчалик бойиб борган сари, шунчалик кўпроқ қарз ола бошлаши маълум.

➡ 3

## МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

*Сирдарё ва Амударё бўйларида қадим-қадимдан деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик тараққий топган, илм-маърифат ривожланган. Ўзбек халқи ушбу катта минтақадаги қардошлари билан биргаликда ислом дини, маданияти, маънавияти ҳамда маърифати равнақига алоҳида таъсир кўрсатган.*

*Исломий қадриятлар негизида шаклланган оилавий муҳит, ўзига хос урф-одатлар минтақа халқларининг табиатига сингиб кетган. Айни шу жиҳат улкан маданий силжишга, дунё тамаддунига беқиёс улуш қўша олиш имконияти юзага келишига туртки берган.*

### «Халқ сўзи» учун эксклюзив

### Жаҳолатни енгган Уйғониш

Ислом маданияти, маънавияти бу ўлкага кириб келганидан сўнг, кўп ўтмай ўзининг сара меваларини бера бошлади. Шу боис дунёнинг аксарият дин уламолари ислом дини, гарчи Арабистонда қарор топган бўлса-да, у ўзбек заминидан қувват олганини якдиллик билан эътироф этади.

Бунинг исботи сифатида икки Шарқ Ренессансини келтириш жоиздир. Бу буюк уйғониш даврлари жаҳолат тўсиқлари оша унга маданий-маънавий муҳитни ҳадя этди. Бугунги тараққиёт ва юксалишни, илм-фан ривожини, имон-эътиқод мустаҳкамлигини ўзбек заминида юз берган ана шу беқиёс ҳодисалар билан боғлашлари ҳам бежиз эмас.

Бугун янги Ўзбекистон ўзини ўша икки буюк тарихий бурилишнинг вориси сифатида намоён этмоқда — Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида учинчи Ренессанс сари бориш тараддудида. Кейинги йилларда мамлакатда барча соҳада жадал олиб борилаётган ислоҳотлар, юксалиш ва бунёдкорликлар бунга мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Янги Ўзбекистон бундай ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий янгиланишларни айнан маданий-маърифий заминга суянган ҳолда ҳаётга татбиқ этмоқда. Худди дастлабки икки Шарқ Ренессансининг асосларида ҳам ислом динининг маданий-маърифий муҳити, очиқ дунёвий қарашлари, илм-фанга даъвати ястангани сингари.

IX — XII асрлар оралиғидаги биринчи Шарқ уйғониши даврида Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан олим ва мутафаккирлар ҳозирги илм-фан тараққиётининг асл ўзагини ташкил қилган соҳаларда беқиёс ютуқларни қўлга киритдиларки, уларнинг ёзган асарлари, илгари сурган ғоялари кейинчалик бутун дунёни забт этди, янги-янги меваларни бера бошлади.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ПАРАЛИМПИЯ ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси негизида **Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси** (кейинги ўринларда — Паралимпия қўмитаси) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Паралимпия қўмитаси Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар **Паралимпия қўмитасининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

паралимпия спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни **аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг** янги тизимини йўлга қўйиш;

ёзги ва қишки паралимпия спорт турларини ривожлантиришга кўмаклашиш, спорт объектлари ва иншоотларининг концепциялари, техник топшириқлари, техник-иқтисодий асослари/параметрлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва чемпионатлар, форумлар, конференциялар, семинарлар ва юклатилган вазифалардан келиб чиқиб бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, улар орқали тинчлик, дўстлик ва ўзаро тушуниш ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш;

паралимпия спорт турлари билан шуғулланадиган тренерлар, услубчи-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни **қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва касбий ривожлантиришнинг** замонавий ва самарали тизимини жорий этиш;

республикада ёки бошқа халқаро спорт федерациялари (ассоциациялари) ва бошқа ташкилотларда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, ўз аъзоларини **ахборот, илмий-услубий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш**;

паралимпия спорт турларини ривожлантириш бўйича **клублар фаолиятини ташкиллаштириш ва самарали бошқариш**, миллий ва халқаро спорт ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш.

4. Жойларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Паралимпия қўмитасининг **ҳудудий бўлинмалари ташкил этилсин**.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021 йил 1 сентябрга қадар ҳудудий паралимпия бўлинмаларининг **молиявий** ҳамда **моддий-техника** базасини мустаҳкамлаш, тегишли ҳудудда паралимпия спорт турларини ривожлантириш учун ҳомийлар бириктирилишини, шунингдек, уларни жойлаштириш **учун бино ва иншоотлар ажратилишини**;

Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддат**да ҳудудларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш **дастурлари ишлаб чиқилиши ва киритилишини**;

2022 йилдан бошлаб тасдиқланадиган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **ҳудудий паралимпия бўлинмаларига маблағ ажратилишини таъминласин**.

5. **Паралимпия қўмитасининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 24 нафардан иборат бўлган тузилмаси** 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Паралимпия қўмитаси раисига, зарур ҳолларда:

Паралимпия қўмитаси тузилмасига белгиланган **умумий штат сони доирасида** ўзгартиришлар киритиш;

мазкур қарорга асосан ташкил қилинаётган Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши билан келишилган ҳолда Паралимпия қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан унинг тузилмасига **қўшимча лавозимларни киритиш**, шунингдек, юқори малакали мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш **ҳуқуқи** берилсин.

6. Паралимпия қўмитаси **2021 йил якунига қадар** Паралимпия қўмитаси ҳузурида паралимпия спорт турлари бўйича **клубларни ташкил этсин**, улар фаолиятини мувофиқлаштирсин ҳамда сақлаш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этсин.

7. Паралимпия спорт турлари билан шуғулланадиган тренерлар ва услубчи-йўриқчилар, кўзи ожизлар, кар ва заиф эшитувчилар, ампутантлар билан ишловчи мутахассислар (сурдо, тифло-сурдо ва халқаро-сурдо таржимонлари) ҳамда бошқа кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг **Паралимпия факультети** ташкил қилинсин.

8. Паралимпия қўмитаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган **Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Институт паралимпия спорт турлари билан шуғулланадиган тренерлар, услубчи-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни **қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган илмий-таълим муассасаси ҳисобланади**.

Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

шартнома (пуллик) асосида кўрсатиладиган хизматлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Институт фаолиятини қўшимча молиялаштириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳам йўналтирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси **уч ой муддат**да Институт фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Паралимпия қўмитасининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб **"Спорт ҳамма учун"** лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, **"Спорт ҳамма учун"** лойиҳаси доирасида:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни параспорт турлари билан кенг қамраб олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятга интеграция қилиш мақсадида **бир йилда бир марта Параспорт халқаро фестивали** ўтказилади;

**ҳар йили 3 декабрь куни — Халқаро ногиронлар куни**га бағишлаб кўзи ожизлар, заиф эшитувчилар ва ампутантлар ўртасида параспорт турлари туркумига киритилган парастол тенниси, 5х5 футбол, голбол, параенгил атлетика, парапауэрлифтинг, парабадминтон, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича **Тошкент шаҳрида республика параспорт фестивали**, шунингдек, бошқа ҳудудларда **параспорт фестиваллари** ўтказилади;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ўқувчилари ўртасида **паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар** ташкил этилади, **таниқли спортчилар томонидан мастер-класслар**, шунингдек, семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдуҳакимов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) "Спорт ҳамма учун" лойиҳаси доирасида амалга оширилиши белгиланаётган ва бошқа чора-тадбирларни самарали ва тўлиқ ташкил этсин, уларни ўтказиш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиаллари**да, шунингдек, бошқа тегишли олий таълим муассасаларида **"Паралимпия" кафедраси**, шунингдек, "Адаптив соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт" **магистратура мутахассислиги** очилади;

б) **2022 йил 1 январ**дан бошлаб:

Паралимпия қўмитаси тавсиясига асосан олимпия захиралари коллежларининг паралимпия спорт турлари бўлимларига юборилаётган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун **5 фоизгача қўшимча квоталар ажратилади**;

давлат спорт таълим муассасаларида паралимпия спорт турлари бўйича тренерларнинг лавозим маошини ҳисоблашда базавий тариф ставкалари **бир ярим баравар миқдорда қўлланилади**.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг **спорт объектлари, иншоотлари ва жиҳозларидан фойдаланган ҳолда улар базасида** Паралимпия қўмитаси ҳузурида **Паралимпия спорт марказлари** ташкил этилсин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳакимов **икки ҳафта муддат**да Паралимпия спорт марказлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг аниқ жойлашган жойи, номи ва рўйхатини тасдиқласин.

12. Қуйидагилар **Паралимпия спорт марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларда спорт билан **шуғулланиш қобилиятларини аниқлаш** ва уларни адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган **машғулотларга жалб қилиш**;

халқаро спорт майдонида мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон паралимпия терма жамоалари учун **спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш**;

зарур замонавий моддий-техника базасини яратиш ҳамда спорт машғулотлари ўтказиш учун малакали тренерлар таркибини танлаш, спорт захираси ва спорт турлари бўйича **юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш юзасидан ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш**;

спорт тайёргарлиги босқичларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш усуллари ҳамда шаклларининг узвийлигини таъминлаш;

спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорликни ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт маҳоратини, шунингдек, адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турлари бўйича тренерлар ва бошқа **мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш**.

13. Белгилансинки:

Паралимпия спорт марказлари юридик шахс мақомига эга бўлади, уларнинг фаолиятига **ташкилий-методик раҳбарлик қилиш Паралимпия қўмитаси** томонидан амалга оширилади;

Паралимпия спорт марказларининг **фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб** муассиснинг маблағлари, фаолият ихтисослиги бўйича пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар, асосий машғулотлар ўтказиладиган вақтда бўш бўлган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобланади.

14. Қуйидагилар:

**Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши ташкил қилинсин ва унинг таркиби** 2-иловага мувофиқ;

**Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгаши (А.А.Абдуҳакимов):

**икки ой муддат**да Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2021 йилда паралимпия спорт турларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш бўйича манзилли ҳудудий дастурларни тасдиқласин, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин;

паралимпия спорт турларини **ривожлантириш** ва **оммалаштириш** мақсадида маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилсин.

Белгилансинки, **Паралимпия қўмитасининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш**, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Республика кенгаши томонидан амалга оширилади.

15. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдуҳакимов) вазирлик марказий аппаратида паралимпия спорт турларини мувофиқлаштириш учун **масъул бўлган таркибий бўлинма** ташкил этсин ҳамда камида **икки нафар** қўшимча штат бирлигини ажратиш орқали малакали мутахассис билан таъминласин.

16. "Чорвоқ" эркин туристик зонаси Маъмурий кенгаши (А.Н.Арипов) 2021 йил якунига қадар мазкур зонада камида **50 гектар**га тенг бўлган ер участкасини жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун **барча зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиш шарти билан** тадбиркорлик субъектларига истисно тариқасида бепул ажратиш чораларини кўрсин. Бунда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун спорт объектлари ва иншоотларини барпо этишга йўналтириладиган маблағлар тадбиркорлик субъектларининг **солиқ солинадиган базасидан** белгиланган тартибда **чегириб ташланади** ҳамда ушбу объектлар ва иншоотлар **Паралимпия қўмитасига беғараз берилади**.

17. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдуҳакимов):

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 июндан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларида назарда тутилган барча спорт мусобақаларини ташкил қилишда **жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ҳам тегишли мусобақаларни ўтказиш чораларини кўрсин**;

2022 йилдан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларида паралимпия спорт тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун камида **30 миллиард сўм** маблағ ажратилишини назарда тутсин;

Паралимпия қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар спорт билан шуғулланиши учун зарур бўлган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари, жиҳозлари, буюмлари ва бошқа воситалар билан таъминласин. Бунда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари, жиҳозлари, буюмлари ва бошқа воситалар **2024 йил 1 январга қадар** божхона божидан озод этилсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда республикамизда паралимпия спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида **Халқаро паралимпия қўмитаси ва Осиё паралимпия қўмитаси** билан ҳамкорликни кучайтирсин, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда **ушбу ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади**;

Қурилиш вазирлиги ва Паралимпия қўмитаси билан биргаликда 2021 йил якунига қадар барча мавжуд давлат спорт объектлари ва иншоотларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши **учун барча шарт-шароитлар** яратилишини таъминласин;

Паралимпия қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари талабномаларига кўра жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт объектлари ва иншоотларидан фойдаланиш бўйича зарур шарт-шароитлар яратилишини **таъминласин**.

18. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) мазкур қарорга асосан, жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирлар ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағлар 2021 йил Давлат бюджетида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

19. Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ҳудудларда қурилиши режалаштирилган спорт иншоотлари ва спорт майдончаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда **жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутсин**.

Белгилаб қўйилсинки, давлат томонидан молиялаштириладиган спорт иншоотлари ва спорт майдончалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар назарда тутилмаган тақдирда ушбу лойиҳалар учун **молиялаштириш амалга оширилмайди ҳамда давлат комиссияси томонидан қабул қилинмайди**.

20. Туризм ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда барпо қилинадиган олимпия ва паралимпия шаҳарчаси лойиҳасида **Паралимпия спорт марказини ташкил этишни назарда тутсин**.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия қўмитаси билан биргаликда адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турларини ўргатиш методикаси бўйича телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этсин, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш бўйича алоҳида кўрсатувлар намойиш этиш орқали спортга кенг жалб қилиш медиа-режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига (А.А.Абдуҳакимовга) киритсин.

22. Туризм ва спорт вазирлиги:

**уч ой муддатда** республикада фаолият юритаётган паралимпия спорт турларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва уларни Спорт турларининг реестрига киритиш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 18 май

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мисол учун, жарроҳлик амалиётини талаб этмайдиган юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, тери касалликларига диагноз қўйиш, даволаш ва реабилитация жараёнларини туманларда амалга ошириш мумкин. Кўз микрохирургияси, урология, травматология, кўкрак ва қорин бўшлиғи йўналишларидаги жарроҳлик муолажаларини вилоят даражасида ташкил қилиш учун шароитлар етарли.

Республика марказларида эса мураккаб ташхисли касалликлар ва юқори технологик амалиётлар бажарилиши устувор бўлиши керак.

Шу боис вилоят ва туман шифохоналарида даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаб, қуйи бўғин шифокорлари малакасини ошириш чоралари белгиланди.

Ҳокимликларга ҳудудий тиббиёт муассасаларини ангиограф, лапароскоп, сунъий қон айлантириш каби юқори технологик ускуналар ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларига лицензия бериш тартибини соддалаштириб, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги айтилди.

Мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари бўлиб, уларнинг фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. 423 та бирламчи тиббиёт муассасаси "Электрон поликлиника" ахборот тизимига уланган.

Лекин янгича ишлаш учун ҳамма жойда ҳам шароит зўр эмас. Айрим тиббиёт муассасаларида компьютер етишмайди. Соҳани рақамлаштириш учун бу йил бюджетдан 28 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, бу борадаги ишлар суст кечмоқда.

Шу боис вилоят тиббиёт бошқармаларида рақамлаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича ўринбосар лавозими ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, барча тиббиёт муассасаларида электрон тизим билан ишлайдиган 2 мингта оператор-ҳамшира вазифаси жорий этилади.

Шу йил 1 августга қадар электрон ордер тизимини ишга тушириб, барча ҳудуд ва ихтисослаштирилган марказларни улаш, 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳридаги барча поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, болаларнинг тўғри овқатланишини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлиллардан келиб чиқиб, мақсадли скрининглар ўтказиш вазифаси қўйилди.

Вилоятларда Перинатал ва Скрининг марказлари ягона кластер сифатида бирлаштирилиб, тумангача тушадиган бўғин ташкил қилиниши қайд этилди.

Соҳадаги яна бир долзарб йўналиш таълим, фан ва кадрлар тайёрлашни ривожлантиришдир.

Тиббиёт соҳасидаги ҳозирги таълим услублари бундан 30 — 40 йиллар аввал тасдиқланган, дарсликларнинг аксарияти халқаро стандартларга жавоб бермайди. Олий ўқув юртлари ва ихтисослаштирилган марказларда илмий салоҳиятга қизиқиш, рағбат кам.

Шу боис тиббиёт олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, илғор хорижий тажриба асосида, менежерлар ҳамда юқори технологик ускуналар билан ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича янги йўналишлар очиш зарурлиги таъкидланди. Ординатура ва магистратурада ўқиётган иқтидорли ёшларни хорижда малака оширишга юбориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**— Соғлиқни сақлаш тизимига ҳар йили бир неча триллионлаб маблағ ажратилади, халқаро кредитлар жалб қилинади. Ушбу ажратилаётган маблағлар самарасини халқимиз сезиши керак, — деди Президент.**

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

1

Давлатимиз раҳбари 2020 йил сентябрда ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида эса аъзо давлатларни ушбу масала бўйича махсус резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга чақирган эди. Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мазкур ташаббус юқори технологияли инновациялар, экологик тоза, энергия ва сувни тежайдиган технологияларни яратиш ва татбиқ қилишга инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш, «яшил иқтисодиёт» тамойилларини кенг қўллаш, тупроқ деградацияси, чўлланиш ва экологик миграциянинг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганини таъкидлаганди.

«Дунё» ААга мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, ташқи сиёсат маҳкамаси, хориждаги элчихоналаримиз ва Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси томонидан республикадаги барча манфаатдор вазирликлар билан биргаликда давлатимиз раҳбари ташаббусини амалга ошириш доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. 2019 йил 25 октябрь куни Нукусда «Орол денгизи минтақаси — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди» мавзуида юқори даражали халқаро конференция ташкил этилди. Унда илк бор резолюция лойиҳаси тақдим қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш форум иштирокчиларига видеомурожаатида Орол денгизининг йўқолиб кетишини замонамизнинг энг катта экологик офатларидан бири деб атади.

COVID-19 пандемияси сабаб БМТ Бош Ассамблеяси фаолиятидаги жиддий чекловларга қарамай, қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, чет элдаги дипломатия ваколатхоналаримиз томонидан резолюциянинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида БМТга аъзо давлатлар билан кўплаб музокаралар ўтказилди, юқори даражадаги форумлар, БМТ асосий тузилмаларининг ялпи ва махсус йиғилишларида унинг долзарблиги таъкидлаб ўтилди.

Резолюция матнини келишиб олиш учун БМТ аъзоларини кенг жалб қилган ҳолда қатор норасмий маслаҳатлашувлар ташкил этилди. Ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда фаол иштирок этган Осиё — Тинч океани минтақаси, Европа, Африка, Лотин ва Шимолий Америка давлатлари делегациялари Ўзбекистон Президентининг ташаббусини юксак баҳолади, шунингдек, унинг нафақат Марказий Осиё, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун ҳам ўта муҳимлигини эътироф этди.

Бош Ассамблея қабул қилган махсус резолюция:

— Оролбўйи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини эълон қилади;

— бундан буён ҳам Оролбўйи минтақаси табиатини тиклаш ва яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва аҳоли ҳаёт сифатини ошириш манфаатлари йўлидаги илмий тадқиқот маслаҳатлашув фаолиятини рағбатлантиради;

— Орол денгизи инқирози оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизининг қуриб қолган тубида туз, чанг-тўзонни узатишга мойил бўлган қум уюмларида ўрмон мелиорацияси усулларини барқарор қўллаш йўли билан янада чўлланишнинг олдини олиш, салбий экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатларни юмшатиш бўйича биргаликдаги тадбирларни амалга ошириш йўлидаги минтақавий ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим эканлигини таъкидлайди;

— аъзо давлатлар, БМТ тизимидаги жамғармалар, дастурлар ва тузилмалар, халқаро молия институтлари ва бошқа манфаатдор томонларни 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибига мувофиқ Оролбўйи минтақасида фанлараро тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ҳамкорликни амалга ошириш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, инклюзив ва экологик барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда энергия ва сувни тежовчи технологияларни қўллашга туртки беришга чақиради.

Ҳужжатда Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновацион марказининг ташкил қилиниши ва Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳалокатнинг салбий ҳолатларини бартараф этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди таъсис қилиниши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан юқори баҳолангани ва қўллаб-қувватлангани ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон томонидан бундан олдин тақдим этилган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги ҳамда «Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва барқарор туризм тўғрисида»ги резолюциялар ҳам бир овоздан маъқуллангани эътироф этилди.

Таъкидлаш лозимки, Оролбўйи минтақаси Бош Ассамблея томонидан Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деган муҳим мақомга эга бўлган биринчи минтақага айланди.

Президентимизнинг мана шундай ҳудудни яратиш бўйича ташаббуси 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги умумий саъй-ҳаракатлар доирасида дунёнинг турли минтақаларида ҳам татбиқ этилади, десак, муболаға бўлмайди.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк

## Олий Мажлис Сенатида

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Анна Бьерде билан учрашди.*

Учрашувда инвестициявий муҳитни яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жаҳон банки вакили фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, мажбурий ҳамда болалар меҳнатига барҳам бериш, меҳнат нормаларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш, жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва энергетика соҳаларида лойиҳаларни рўёбга чиқариш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ жойларда аёллар тадбиркорлигини равнақ топтириш каби йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Якунда томонлар конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирди.

Шу куни Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Анна Бьерде билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ҳамда Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

А. Бьерде хонимга Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда коррупциянинг олдини олиш борасида парламент назорати ролини кучайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, банк, молия ва солиқ тизимидаги ўзгаришлар, мажбурий ҳамда болалар меҳнатидан воз кечиш ва минтақавий ташқи сиёсатдаги янгиланишлар юқори баҳоланди. Жаҳон банкининг Ўзбекистон билан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилаётгани таъкидланди.

Учрашувда Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳамда келгусида режалаштирилаётган ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмага доир лойиҳаларнинг параметрлари ҳамда биргаликда бажарилиши назарда тутилган тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича алоқаларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Ўзбекистон — Индонезия:

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

*Кейинги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсатида мутлақо янгича ёндашув пайдо бўлиб, етакчи хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшнилар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ амалий ишлар қилинмоқда. Мазкур жараёнда хорижий давлатлар билан парламентлараро алоқаларнинг янги босқичга чиққани эътиборга молик.*

### Учрашув

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов Индонезия Парламенти Вакиллар палатаси Спикери ўринбосари Раҳмат Гобель бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқотда ўтган йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон — Индонезия ҳамкорлигини ривожлантиришда янги босқич бошланганы таъкидланди. Икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ўсиб бормоқда. Бу мамлакат манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Томонлар сўнгги вақтда икки давлат парламентлари ўртасидаги мулоқот ҳам фаоллашганини таъкидлади. Айни чоғда ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, Индонезия парламенти делегацияси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ўз навбатида, Раҳмат Гобель Ўзбекистон сўнгги йилларда иқтисодий-сиёсий жиҳатдан жадал ривожланаётган давлат сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганини эътироф этиб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларни юксак баҳолади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистонда Индонезиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очиш ва бугунги кунда талаб юқори касбларга ўқитиш бўйича қўшма дастурларни ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳокама қилинди, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича келишиб олинди.

Томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг фойдаланилмаган катта салоҳиятини қайд этиб, икки мамлакат учун устувор бўлган йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши орқали самарали алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришда манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Учрашувда, шунингдек, туризм, маданий-гуманитар соҳаларда ҳам ўзаро ришталарни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Икки мамлакат парламентлари ҳукуматлараро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга умид билдирдилар.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИГА МОС ҚОНУНЛАР

*Кеча қуйи палатанинг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан бир қатор янги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Мамлакатимиз тараққиётининг айни босқичида муҳим ва устувор бўлган ўзгаришлар ҳамда янгиликларни назарда тутувчи нормалар халқ вакиллари томонидан маъқулланди.*

*Шу билан бирга, парламент назорати институтидан самарали фойдаланган ҳолда, халқимиз томонидан кўтарилган долзарб масалалар юзасидан сўровлар юборилган эди. Мажлисда шунга оид масала ҳам батафсил кўриб чиқилди.*



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### Яна бир ҳужжат ратификация қилинади

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадр-қиммати, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўсиқсиз муҳит яратиш, уларни жамиятга интеграция қилиш борасида изчил ҳамда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу масала бўйича муҳим қарор ва фармонлари қабул қилингани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни умидсизлик ва ишончсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётга интилишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, аввало, қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, мажлисда депутатлар "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, конвенциянинг ратификация қилиниши ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни комплекс ва тизимли ҳал этиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун замин яратади.

Шунингдек, мазкур ҳужжат мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтиришда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имконини беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юбориладиган бўлди.

### Коррупцияга қарши курашиш янги босқичда олиб борилади

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда содир этилган, содир этилаётган ёхуд тайёрланаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берганларнинг шахсига оид маълумотлар сир сақланишини кафолатловчи нормалар мавжуд эмаслиги амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шундан келиб чиқиб, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонун лойиҳасида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳадаги нормалар билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётганларнинг шахси сир сақланиши, ўзининг, шунингдек, яқин қариндошларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши давлат томонидан кафолатланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан "Прокуратура тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиляпти. Мазкур қонун лойиҳасидаги нормалар жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига чек қўйиш ҳамда унга қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### Электромобилларга имтиёз берилади

Ялпи мажлисда депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Лойиҳада тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган нормалар ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳаси билан электр двигатели орқали ҳаракатланадиган автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўлашдан озод этиш назарда тутиляпти.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир шаҳар ва туманларининг ўзига хос "ўсиш нуқтаси" деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар фойда ҳамда сув солиқлари бўйича 50 фоизлик имтиёз берилмоқда. Тадбиркорлар улардан оқилона фойдаланган тақдирда солиқлардан иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан фаолиятини янада кенгайтириш имконияти яратилади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, коронавирус пандемияси ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришга, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### Транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

Шу куни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган парламент сўровига транспорт вазири И. Маҳкамовнинг жавоби атрофлича кўриб чиқилди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш, ушбу омиллардан фойдаланган ҳолда юртимизнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2020 йил якунларига кўра "Uzbekistan Airways" АЖ томонидан 41,7 минг тонна юк ташилиб, бу кўрсаткич 2019 йилдагига нисбатан 1,45 баробар ошди. Юкларни ташиш ҳажмини кўтариш мақсадида қатновлар Истанбул, Урумчи, Острава, Шанхай, Сеул, Деҳли, Шицзячжуан, Льеж йўналишлари бўйича ўтган йилда қўшимча чартер шартномалар имзоланди.

Ушбу ишларнинг бажарилиши натижасида ойлик юк ташувлар даромади 1,3 млн. доллардан 5,7 млн. долларга ошди. 2021 йил давомида 12 минг 268 та парвозни бажариш орқали 1 миллион 933 минг йўловчи ҳамда 42,5 минг тонна юк (шу жумладан, пуллик багаж ва почта) ташиш режалаштирилди. Жорий йилда юк ташувлари ҳажмини янада кенгайтириш мақсадида Тошкент — Гонконг — Тошкент — Тель-Авив — Тошкент ва Тошкент — Гонконг — Тошкент — Киев — Тошкент янги йўналишлар бўйича парвозларни амалга ошириш, ушбу йўналишлар бўйича 2 минг тонна юк ташиш ва 5,8 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча даромад олиш кўзда тутилган.

Шу билан бир қаторда, жорий йил 6 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Иннопром — 2021" халқаро саноат кўргазмаси доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва Россиянинг "РЖД Логистика" компанияси вакиллари ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлаткичли махсус рефрежератор контейнерларда ташиш учун Агро-Экспресс поездларни ташкил қилишга келишиб олинди. Мазкур янги йўналиш Ўзбекистоннинг экспорт ташувлари, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Парламент сўровига берилган жавобда экспорт қилинаётган юкларни қўшни давлатлардан темир йўл орқали имтиёзли нархларда ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Транспорт вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан МДҲ, Эрон ҳамда Болтиқбўйи давлатлари темир йўл маъмуриятлари билан ўтказилган учрашувлар натижасида 2021 йил учун бир қатор чегирмалар олинишига эришилган. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва ўзбек маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳозирги кунда Транспорт вазирлиги томонидан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон транспорт ҳамда транзит йўлакларини яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлининг қурилиши Ўзбекистон ва Ўрта Осиё мамлакатларига дунё океанига чиқишга энг яқин йўл бўлиб, Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий Осиё ҳамда Евроосиё темир йўллари билан узвий боғлаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз транзит салоҳиятининг кескин ошишига хизмат қилади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида Покистондан Ўзбекистонга юкларни ташиш 35 кун эмас, балки 3 — 5 кунни ташкил қилади.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл қурилиши лойиҳасининг ижроси Осиё — Тинч океани ва Хитойдан Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон орқали юкларни Европа мамлакатларига ташиш учун янги халқаро транспорт коридорини яратади. Қолаверса, юкларни етказиб бериш вақти кескин қисқариб, Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси транспорт вазирининг парламент сўровига йўллаган жавобини маълумот учун қабул қилди.

**«Халқ сўзи».**

## Давлат қарзи:

# КЎПИНЧА БИЗ ЎЗ ҚАРИЧИМИЗ БИЛАН МАМЛАКАТНИНГ КАТТА СИЁСАТИНИ ЎЛЧАМОҚЧИ БЎЛАМИЗ. БУ ТЎҒРИ ЭМАС...

1

Бугунги кунда энг катта қарздор мамлакатлар — Япония, АҚШ ва Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар ҳисобланади. Агар корпоратив секторнинг қарзини ҳисобга олмаганда, энг катта давлат қарзи АҚШда эканлигини ҳам кўриш мумкин. АҚШ ҳукуматининг ўз фуқаролари ва бошқа давлатлардан қарзи 27 триллион доллардан ҳам ошиб кетди. Ўз олдига ривожланиш учун катта мақсад қўйган мамлакат учун катта миқдордаги инвестиция талаб этилади.

Демак, ташқи қарз олиш жадаллик билан ривожланаётган давлатлар учун хос бўлиб, мақсад имкон қадар кўпроқ маблағларни жалб этишга қаратилади.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, ташқи қарзимиз бундан 15 — 20 йил олдин ҳам бор эди, нега энди сўнгги 3-4 йил ичида у сезиларли даражада ошди, деган.

Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар борасида амалга оширилиши керак бўлган бир қанча муҳим вазифалар турли сабабларга кўра кечиктирилган. Улар анчагина йиғилиб қолган эди. Биргина мисол, миллий валютамизнинг конвертация қилиниши ёки солиқ сиёсатидаги муаммолар. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳолатларни айтмасак ҳам бўлади. Очиғини айтиш керак, бу соҳалар ривожида жар ёқасига келиб қолган эдик. Буни давлатимиз раҳбари ҳам бир неча маротаба эътироф этди. Мана шу масалалар кейинги йилларда очиқланиб, муаммолар тан олинди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига киришганидан сўнг бу масалалар ўз ечимини топа бошлади. Тадбиркорликка кенг имкониятлар эшиги очилди. Натижада электр энергияси, йўл, транспорт инфраструктураси ва бошқа манба ҳамда ресурсларга бўлган талабни кескин ошириб юборди. Мана шундай бир шароитда ички инвестиция манбалари етарли бўлмай қолди. Ташқи манбаларни ҳам жалб қилишга эҳтиёж туғилди. Ташқи қарзлардан инвестиция манбаси сифатида кўпроқ фойдаланишимизга тўғри келяпти.

Бундан 5-6 йил аввал бундай эҳтиёж бизда бўлмаганми? Ҳақиқатан ҳам, эҳтиёж бўлган. Аммо ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишлар, лойиҳалар кўлами бу даражада кенг бўлмаган. Уларнинг қамрови ва кўлами бўйича ҳам ўртадаги фарқ жуда катта. Ўшанда ҳам Ўзбекистонда чет элдан қарз олишга ҳаракатлар бўлган. Лекин, очиғини айтишимиз керак, қарз берувчиларни топиш қийин кечган.

> « Айни пайтда қўлимиздаги мавжуд маълумотларга кўра, 2021 йил 1 январда Ўзбекистоннинг давлат қарзи жами 23,3 миллиард доллар эквивалентида, ёки ЯИМнинг 40 фоизига етган. Хусусан, бу маблағларнинг 21 миллиард долларга ёки ЯИМнинг 36,5 фоизга тенг қисми давлат ташқи қарзини ташкил қиляпти. Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ташқи қарз параметрлари бўйича Ўзбекистондаги ҳолат ташвишланарли эмас. Мамлакатимиз бу борада жиддий муаммоларга дуч келаётгани йўқ. Бунга эса давлат раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг натижаси сифатида қараш керак.
>
> Лекин ташқи қарзнинг қайси мақсадларга ва лойиҳаларга йўналтирилиши аслида бизни кўпроқ безовта қилиши лозим. »

Халқаро молия ташкилотлари, Халқаро валюта фондини оламизми, Жаҳон банки ёки Европа тикланиш ва тараққиёт банкини, бошқа кредит берувчи потенциал кредитор давлатларни оламизми, бизда ўша пайтда олиб борилаётган ислоҳотларга улар ишончсизлик билан қарашган. Шунинг учун қарз бериш учун жуда оғир шартларни қўйишган. Энди мана, беш йил ичида Президентимиз ташаббуси билан кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон дунёга бошқача юз билан очилди, десак, тўғри бўлади. Халқаро ташкилотлар ва асосий ҳамкорларимизнинг бизга бўлган ишончи, ислоҳотларимизга бўлган ишончи кун сайин ортиб боряпти. Бошқача айтганда, мана шунинг натижасида четдан қарз олиш имкониятимиз тобора кенгайяпти. Бу Ўзбекистоннинг ташқи дунёда нуфузи ортиб бораётганидан далолат.

Яна сўрашингиз мумкин, нега унда аҳоли саросимага тушяпти? Бунинг ҳам бир нечта сабаблари бор. Бугун ижтимоий тармоқларда билдирилаётган айрим фикрларни асосли ва ўринли, деб бўлмайди. Улар фақат халқни чалғитади, холос. Биз шундан йироқ бўлишимиз керак.

Аксарият оилаларда тижорат мақсадида ёки бошқа бир муҳим ишлар учун қарз олишни унчалик маъқуллашмайди. Бу тушунча уларнинг онгига ота-боболаридан мерос бўлиб сингиб кетган. Шунинг учун ҳам бизнинг менталитетимизда қарзга нисбатан ҳадиксираш билан қараш мавжуд. Кишини тез қадрсизлантирадиган ёки обрўсизлантирадиган нарса бу вақтида қайтарилмаган қарз, деб қариялар жуда кўп уқтиришади. Ёки бўлмаса, "кўрпангга қараб оёқ узат", деган мақол ҳам бор. Албатта, ўз ўрнида булар тўғри. Лекин бу нақлларни биз давлатнинг ижтимоий-сиёсий лойиҳаларига ва истиқболига қўллашимиз қанчалик ўринли?

Мана масалан, шахс ёки тадбиркорнинг қарзга бўлган муносабати билан давлатнинг қарзга бўлган муносабати ўртасида жуда катта фарқ бор. Кўпинча биз мўъжаз қаричимиз билан давлатнинг катта сиёсатини ўлчамоқчи бўламиз. Бу тўғри иш эмас.

Бирор-бир ёш оила оёққа туриши учун ёки ўз ишини бошлаши учун унга ёрдам кўрсатадиган отаси бўлади ёки онаси. Акаукаси, ошна-оғайниси бор. Ота-она ўз ишини давом эттириши учун фарзандига мерос қолдиради. Ўзбекистондек мамлакатнинг иқтисодиётини ривожлантиришни олиб қарайдиган бўлсак, оёққа тураётган ёш оиладек тасаввур қилиш мумкин. Лекин фарқи шундаки, мамлакатни оёққа турғазишда беғараз ёрдам берадиган отаси-онаси ёки акаукаси бўлмайди. Шундай экан, алоҳида шахс ёки тадбиркорнинг қарзга нисбатан муносабатини давлатнинг қарзи билан тенглаштирган ҳолда хулоса қилиш — ноўрин масала, назаримда.

Одамларга оддий қилиб тушунтириш, керак бўлса, мактаб ва олийгоҳларда қисқа курслар ташкил қилиб, тарғибот ишларини олиб боришимиз зарур. Агар ёшларда бу борада тўғри фикрни шакллантирсак, улар ўз оила аъзоларини ҳам бундан хабардор қилади. Халқимиз бундан тўғри хулоса чиқариб, бугунги олиб борилаётган сиёсатга нисбатан ўзининг тўғри муносабатини билдира бошлайди.

**— Яқинда давлатимиз раҳбари яна шу масалага тўхталиб, ташқи қарзни жалб қилишнинг иқтисодий ва ижтимоий зарурати хусусида аҳолига кенгроқ тушунтириш бериш кераклиги ҳақида гапирган эди. Бу бўйича ҳам маълумотлар берсангиз, яъни давлат ташқи қарзининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий зарурати нималардан иборат?**

— Президентимиз қисқа қилиб айтган фикрларининг замирида жуда катта маъно ётибди. Биз уларни чуқур англашимиз ва мағзини чақишимиз керак. Масаланинг иқтисодий ва ижтимоий моҳияти шундаки, биз бугун олдимизга мамлакатни барқарор ривожлантириш масаласини қўйганмиз. Бу иқтисодиётни ижтимоий соҳа ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини сақлаган ҳолда мувозанатли ривожлантиришга эришишга қаратилган вазифалардан иборат. Ўтган йили коронавирус пандемияси оқибатида дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиётида қисқариш кузатилган бир пайтда, Осиё минтақасида фақатгина Ўзбекистонда ижобий ўсишга эришилди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Бунга жалб этилган ташқи ва ички инвестициялар ўзининг ижобий самарасини берди, десак, тўғри бўлади.

Масаланинг ижтимоий заруратини олиб кўрадиган бўлсак, бугунги кундаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ислоҳотларни олайлик. Йиғилиб қолган муаммоларни қандай ечиш керак? Ёки иқтисодиёт тармоқлари билан бу соҳани таққослайдиган бўлсак, иқтисодиётдан ҳам оғирроқ муаммолар йиғилиб қолганига гувоҳ бўламиз. Кейинги тўрт йил ичида бу муаммолар очиқ тан олинди. Уларнинг ечими бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уй-жой, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, канализация борасидаги ишлар, хуллас, ижтимоий инфратузилма хизматларига бўлган талабини қондириш бўйича ҳам ҳукумат томонидан дастурлар қабул қилиниб, уларни амалга ошириш мақсадида 31 триллион сўм маблағ сарфланяпти. Бу маблағ қаердан олинади, бунинг манбаси қаерда? Шуларни ўйлаб кўриб, хоҳлаймизми, йўқми, ташқи қарз эвазига қилишимиз керак. Чунки аҳоли талаби, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш — устувор мақсадимиз.

**— Сўнгги савол — ташқи қарздан фойдаланиш ҳақида. Бугун Ўзбекистонда халқаро молия институтлари томонидан жалб қилинган қарзлардан самарали фойдаланиш мақсадида қандай ишлар олиб боріляпти? Умуман, парламент назорати институти бу ўринда қанчалик муҳим?**

— Айни пайтда қўлимиздаги мавжуд маълумотларга кўра, 2021 йил 1 январда Ўзбекистоннинг давлат қарзи жами 23,3 миллиард доллар эквивалентида, ёки ЯИМнинг 40 фоизига етган. Хусусан, бу маблағларнинг 21 миллиард долларга ёки ЯИМнинг 36,5 фоизга тенг қисми давлат ташқи қарзини ташкил қиляпти. Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ташқи қарз параметрлари бўйича Ўзбекистондаги ҳолат ташвишланарли эмас. Мамлакатимиз бу борада жиддий муаммоларга дуч келаётгани йўқ. Бунга эса давлат раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг натижаси сифатида қараш керак.

Лекин ташқи қарзнинг қайси мақсадларга ва лойиҳаларга йўналтирилиши аслида бизни кўпроқ безовта қилиши лозим. Бу борада ваколатли давлат органлари, хусусан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда Молия вазирликлари томонидан тизимли ишлар ташкил этиляпти. Улар томонидан самарали лойиҳаларни танлаб олиш ва қарз маблағларидан мақсадли фойдаланиш тўғри йўлга қўйилса, ҳеч қандай ташвишли ҳолатлар келиб чиқмайди.

Бундан ташқари, давлат қарзини бошқаришнинг миллий стратегияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжат Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар билан уйғунлаштирилган. Уларнинг ижроси ўз вақтида таъминланса, натижа албатта, ижобий бўлади.

Бу бўйича парламентнинг олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилган. Ташқи қарз эвазига амалга ошириладиган лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг олиб бориш вазифаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси зиммасига ҳам юклатилган.

Шунга кўра, Ҳисоб палатаси давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштирилган ҳамда якунланган лойиҳа ва дастурларни аудитдан ўтказади. Аудит натижалари бўйича ахборотни ҳар чорак якунида қуйи палатага киритиб боради. Ўз навбатида, бу ҳисобот тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарида муҳокама қилинади. Тегишли вазирликлар ўзларининг тақдимотлари билан иштирок этади. Сал аввалроқ, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган "Саломатлик-3" дастури жиддий танқидий руҳда муҳокама қилинди. Бир қанча камчиликлар очиб ташланди, мутасаддилар олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Бу лойиҳаларнинг халқ вакиллари томонидан муҳокама этилиши, мониторинг қилиниши қарз маблағларидан янада мақсадли ва самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Банк-молия соҳасини ривожлантиришнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, ички ва ташқи қарз манбаларининг Ўзбекистон иқтисодиёти учун мақбул меъёрларини аниқлаб олиш ва шунга мос равишда қарз сиёсатини олиб бориш ҳам долзарб вазифалардан. Шу ўринда ички қарз манбаларини, айниқса, корпоратив секторнинг қарзларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ички манбаларни топиш ва улардан самарали фойдаланиш жуда ҳам муҳим. Гап шундаки, энг аввало, капитал бозорни ривожлантириш ҳисобига маблағларни жалб этиш лозим. Бу ерда нафақат корхона ташкилотлар, корпоратив сектор, балки аҳолининг ҳам иштирокини фаоллаштириш зарур. Бунда аҳолининг бўш маблағларини банк тизими орқали аккумуляция қилиш ва уларни фаол инвестиция лойиҳаларига жалб этиш муҳим ва долзарб вазифа бўлиб турибди.

Масаланинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасида ҳам Ҳукумат билан биргаликда иш олиб бориляпти. Сўнгги бир ярим йил ичида капитал бозорини ривожлантириш бўйича амалдаги қонунчиликка энг кўп қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирда Ҳукумат томонидан Қонунчилик палатасига киритилиши мўлжалланган Нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалалари кўриляпти. Бу ишлар ўз натижасини беради. Ўйлайманки, биз қанчалик ички манбаларни фаол инвестицияларга жалб этишнинг йўлларини очадиган бўлсак, ташқи қарзга бўлган эҳтиёжимиз ҳам шунчалик даражада секин-аста камайиб, ички ва ташқи манбалар ўртасидаги энг мақбул мувозанат ўрнатилади. Бу эса иқтисодиётимиз учун ҳам, ижтимоий соҳалар тараққиёти учун ҳам катта имкониятлар эшигини очади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Таҳририят бу мавзуга яна қайтади.**

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

←1

Буюк қомусий олим Муҳаммад ал-Хоразмий ҳинд-араб санок тизимини жорий этиб, “ноль” рақамини ҳисобга киритди. “Алгебра” атамаси унинг “Китоб мухтасар мин ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” китоби орқали келиб чиқди, аслида “алгоритм” сўзи ҳам олим исмининг лотин тилидаги талаффузидан олинган. Абу Райҳон Беруний биринчи бўлиб Европа ва Осиё ташқарисида яна бошқа бир номаълум қитъа бор, деган тахминни илгари сурди ҳамда Ер айланаси узунлигини юксак аниқлик билан ўлчади (унинг ҳисоби замонавий олимларнинг ҳисобидан атиги 200 милча фарқ қилади).

> Бугун Ўзбекистонда дин аҳлига, илм аҳлига юксак эътибор кўрсатилмоқда. Биринчи ва иккинчи Шарқ Ренессанси даврида уйғонган ислом маърифати, ислом маънавияти, қадриятлари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юксалиш босқичига кўтарилмоқда. Бу ҳол иқтисодий ҳамда ижтимоий, маънавий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олаётир. Мислсиз бу ўзгаришларга ҳамоҳанг ислом динига эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Ғарбда “Авиценна” номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари лотин тилига таржима қилиниб, Европада бир неча асрлар давомида тиббиёт муассасаларининг асосий дарсликларидан бўлиб келган. Имом Бухорий “муҳаддислар султони”, ҳадис илмида “мўминлар амири” унвонлари билан шарафланиб, набавий ҳадисларнинг саҳиҳларини ажратиб, улардан Қуръони каримдан кейинги иккинчи ишончли манба саналмиш “Саҳиҳи Бухорий” тўпламини тузди. Булар ва яна жуда кўплаб Марказий осиёлик олиму уламоларнинг асарлари маълум бир мамлакат, минтақа ёки қитъа ҳудудидагина эмас, балки бутун Ер юзида юксак маданий силжишларга сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, бутун ислом оламида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

## Илм юксакликка кўтаради

Таъкидлаганимиздек, бундай уйғонишларнинг илдизи ислом маданияти ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Буни Маъмун академиясида камолга етган Ибн Сино, Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, ибн Ироқ, Абу Саҳал Масиҳий каби юзлаб алломаларнинг ўзлари ҳам тан олишган эди.

Илк Уйғониш даврининг мевалари зое кетмади. Улар ҳазрати Алининг “Илм пастда турганларни юқори даражага кўтаради. Билимсизлик эса тепада турганларни пастга туширади. Илм мол-давлатдан устундир, чунки бойликни сен асрайсан. Илм эса сени асрайди”, деган сўзлари замиридаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Ёшлик чоғларидан муқаддас ислом дини руҳида тарбияланиб, Қуръони карим, ҳадиси шарифларни севиб мутолаа қилган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарлари ҳам муқаддас динимиздан озуқа олиб яратилган. Шарафиддин Али Яздий, шунингдек, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”лари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” каби асарлари темурийлар даврида вужудга келган буюк уйғониш — иккинчи Шарқ Ренессансининг дастлабки дурдоналари сифатида дунё юзини кўрди.

Улуғ сўфийлардан тарбия олиб, буюк соҳибқиронлик рутбасига етган Амир Темур ислом уламолари, олимлар, маърифатпарварлар ҳамда ҳунармандларга алоҳида эътибор қаратди. Мўғуллар вайрон қилган шаҳарлар, кенту қишлоқлар, суғориш тармоқларини, экинзору боғларни, кўп тармоқли савдо ва карвон йўлларини қайта тиклади. У Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантириб, бу ерга дунёнинг турли минтақаларидан олим, уламо, шоир, муаррих, уста, ҳунармандларни чорлаб, ҳомийлик қилди. Темурийлар Уйғониш даврида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жабҳалар ислом дини қоидалари асосида ривожланди. Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши баробарида, савдо-сотиқ, пул муносабатлари тартибга солинди, олтин ҳамда кумуш тангалар зарб этилди.

## Сўз ва амал бирлиги

Ўзбекистонда энди-энди мустақиллик шабадалари эса бошлаган кезлардаёқ Қуръони карим маъноси Шайх Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилгани собиқ шўро республикаларидаги мусулмонлар учун ҳам ибрат бўлди.

Каминага айтишларига қараганда, ўшанда бу муқаддас китоб юз минглаб нусхаларда нашр этилиб, уни одамлар қўлма-қўл мутолаа қилишар экан. Инсон оч қолганда нонга муҳтож бўлгани каби маънавий эҳтиёжини қондириш учун ўз эътиқодига суяниб, ўз китобини излайди. Ўзбек халқининг эътиқоди мустаҳкамлиги, қон-қонига ислом динининг қадриятлари сингиб кетганлигини муқаддас китобни кўз ёш билан кутиб олгани мисолида яққол кўриш мумкин эди.

Шу ўринда бир нарсани қайд этиб ўтишни истардикки, динда ҳам, замонавий илмда ҳам сўз ва амал бирлигига юксак қадрият сифатида қаралади. Гарчи ўзбек халқи маълум бир даврларда муқаддас динимизнинг бош китобидан, ҳадиси шарифлардан мосуво қилиб қўйилган эса-да, ўз ҳаёт тарзи, амали, тўғрисўзлиги, адолатлилиги билан исломга садоқатини амалда исботлади. Биргина мисол: Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг бўлаётган жойлардан келтирилган болаларни бағрига олди, ўз фарзандидек кўриб, ювиб-таради, тарбиялади. Зеро, Яратганга эътиқод инсонга меҳр билан намоён бўлади.

Ўшанда Ўзбекистонда оддий меҳнаткашлардан тортиб, илм ва санъат аҳли, маориф ҳамда маданият ходимлари — барчаси якдил бўлиб, Ватанни душмандан халос этмоққа бел боғлаган эди. Халқ руҳидаги муқаддас исломий қадриятлар ватанпарварликка йўғрилиб кетганди. Бу савобли ишлардан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси ҳам четда тургани йўқ.

## Динимиз моҳиятининг тўғри талқини

Бугун Ўзбекистонда дин аҳлига, илм аҳлига юксак эътибор кўрсатилмоқда. Биринчи ва иккинчи Шарқ Ренессанси даврида уйғонган ислом маърифати, ислом маънавияти, қадриятлари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юксалиш босқичига кўтарилмоқда. Бу ҳол иқтисодий ҳамда ижтимоий, маънавий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олаётир. Мислсиз бу ўзгаришларга ҳамоҳанг ислом динига эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Тошкентда, 1971 йилда муҳаддислар султони Имом Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик таваллуди муносабати билан Тошкент ислом олий ўқув юрти ташкил этилиб, 1974 йили унга Имом Бухорий номи берилган. Унда Кавказорти, Шимолий Кавказ, Озарбайжон, Сибирь ҳамда бошқа жойлардан ҳам талабалар келиб ўқишарди. Камина ҳам бу муқаддас даргоҳда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Усмонхон Алимов (Ўзбекистон), Аҳмад Қодиров (Россия Федерациясининг Чеченистон Республикаси), Исмоил Бердиев (Россия Федерациясининг Қорачой-Черкес Республикаси), Оллоҳшукур Пошшозода (Озарбайжон) билан бирга таҳсил олганимдан фахрланаман. Чуқур илоҳий билимларга эга ўзбек уламолари бу ерда бизга Қуръони карим қироати ва тафсири, фиқҳ, ҳадис илми, араб тили ҳамда шу каби мутахассислик фанларини зўр иштиёқ билан ўргатишган.

Ҳатто атеизм ҳукм сурган собиқ шўролар тузуми даврида ҳам биз шогирдлар ислом динининг тарғиботи, ташвиқоти билан мунтазам шуғулланардик. Муқаддас китобларни ўз она тилимизга таржима қилиб, масжидлар қурилишига саъй-ҳаракат қилардик. Йиллар давомида ислом динидан узиб қўйилган халқларга унинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунтира олиш нечоғли қийин кечганини тасаввур этишнинг ўзи ҳам мушкул. Аммо буни Ўзбекистонда таълим-таҳсил олган уламолар шараф билан уддалашди. Исломнинг ҳозирги тараққиёти шу маънода ҳам юртингизда ислом динига азалдан эътибор бериб келинганидан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди.

Ўша мураккаб даврда Ўзбекистонда таҳсил олган турли миллатга мансуб дин пешволари исломнинг мазмун-моҳиятини тўғри англатиш йўлида катта куч-ғайрат билан фаолият олиб боришди. Камина ҳам Аллоҳнинг инояти билан ана шу сафда бўлганман.

Мана, бугунги кунда ўша саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериб, ёшлар орасидан ҳам кўплаб иқтидорли уламолар етишиб чиқмоқда. Ўзбекистонда эса бунга давлат аҳамияти даражасида қаралаётгани таҳсинга лойиқдир.

## Жаҳон минбарида янграган юксак баҳо

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида сўзлаган нутқида ислом динининг дунё миқёсидаги ўрнига юксак баҳо берди ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.



Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ушбу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган “Жаҳолатга қарши — маърифат” ғояси илмнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш, дин масаласидаги жаҳолатга барҳам беришни кўзда тутади. Ўйлаймизки, бундай ёндашув учинчи Ренессанс пойдеворига қўйилган дастлабки асосдир.

Шу йилнинг 10 март куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Россия марказий диний идораси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича онлайн йиғилиш ўтказдик. Камина бу мулоқотда бугунги мураккаб даврда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳар жиҳатдан муҳим экани, минтақаларда сохта салафийлик, ақидапарастлик, экстремизм ҳамда терроризм каби таҳдидлар кучайган бир вақтда уламоларнинг иттифоқлиги зарур экани ҳақида сўзладим. Россия Федерацияси, МДҲ ва Марказий Осиё минтақаларида меҳнат қилаётган уламоларнинг аксарияти илм-маърифатни Ўзбекистон заминида эгаллагани йиғилиш давомида алоҳида эътироф этилди.

Эндиликда диний таълим дастурларини мувофиқлаштириш, зиёрат туризмини йўлга қўйиш, меҳнат мигрантлари билан ишлашда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш олдимиздаги муҳим вазифалардир.

Сўзим якунида айтмоқчиманки, дин йўли — ҳақ йўлдир. Кейинги пайтда Ўзбекистонда бутун дунё мусулмонларига ибрат бўлгулик ишлар амалга оширилмоқда. Инша Аллоҳ, бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўзининг барокатли самараларини беражак.

**Шайх Талъат ТОЖИДДИН,**
**Россия марказий диний идораси раиси, муфтий.**

# ФАРҒОНА ЁШЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН БАНД?

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Фарғона вилоятининг чегараолди ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш масалалари ўрганилмоқда.*

## Сенатор ва ҳаёт

Ўрганиш ишларига мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳам жалб этилган бўлиб, ҳар бир масалага таҳлилий асосда теран ёндашиляпти.

Ишчи гуруҳи Қирғизистон билан чегара ҳудудда жойлашган Қувасой шаҳрида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қувасой шаҳар бўлимининг мазкур йўналишдаги фаолияти таҳлил қилинди.

Маълум бўлишича, шу йилнинг апрель-май ойлари давомида 468 нафар қувасойлик ёш ишга жойлаштирилган. Навқирон тадбиркорлар учун ташкил этилаётган саноат зоналарида 11 лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиниб, 105 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Йигирмага яқин ёшлар касб-ҳунар мактабида тадбиркорликка ўқитилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида шаҳарда 50 га яқин ёшлар объектларини қуриш ҳам мўлжалланган.

Шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан кўп миллатли “Ҳувайдо” маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти ҳам ўрганилди. Бу жараёнда ҳудудда истиқомат қилувчи 370 га яқин ёшларнинг 49 нафари “ёшлар дафтари”га киритилгани, қисқа вақт мобайнида уларнинг 12 нафари доимий ишга жойлаштирилгани, 6 нафарига эса субсидия берилгани маълум бўлди.

Сенат ишчи гуруҳининг Фарғона вилоятидаги ўрганиш ишлари давом этмоқда, унинг натижалари маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

## «Central Asia — 2021»

# БУ ЙИЛ УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ҚАНДАЙ?

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ахборот-кутубхона фаолияти бўйича ҳар йили анъанавий тарзда “Central Asia: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” мавзуида халқаро конференция ўтказиб келинмоқда.*

Шу йилнинг 19 — 21 май кунлари бўлиб ўтадиган ушбу анжуман доирасида қандай янгиликлар кўзда тутилмоқда?

Зиё масканида мазкур тадбир олдидан ўтказилган матбуот анжуманида ушбу саволга жавоб берилди.

Қайд қилинганидек, ўн тўртинчи бор ташкил этилаётган халқаро конференция доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг гуманитар ҳамкорлик бўйича “Китоб ва мутолаа — жамият тараққиётининг стратегик ресурси” мавзуидаги форуми, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 150 йиллик юбилейини нишонлаш, “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимлари ўтказилади.

Шунингдек, китобхонлик масалалари, кутубхоначиликнинг олдида турган истиқболли вазифалар ҳамда соҳада ўз ечимини кутаётган масалаларга бағишланган илмий-амалий семинарлар, маҳорат дарслари уюштирилади.

Россия, Арманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Беларусь каби қатор давлатлардан соҳа мутахассислари қатнашадиган тадбирлар онлайн ва оффлайн форматда ўтказилиши режалаштирилган.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).**

# ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ – ТИРИКЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Маълумки, биохилмахилликни сақлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, уларни бошқариш ва бутлигини таъминлаш ҳамда самарали фаолият юритиш халқаро ҳуқуқ нормаларида долзарб вазифалар сифатида белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Хусусан, 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Биологик хилмахиллик тўғрисидаги конвенция қабул қилинади. Унда табиат мувозанатини сақлашга доир ғоят муҳим вазифалар қамраб олинган бўлиб, дунёнинг аксарият давлатлари томонидан ратификация қилинган. Шу муносабат билан ҳар йили дунё ҳамжамияти томонидан 22 май — Халқаро биологик хилмахиллик куни сифатида кенг нишонланиб келинади.*

## 22 май — Халқаро биологик хилмахиллик куни

Қайд этиш жоизки, билогик хилмахиллик мукаммал бир тизим бўлиб, экологик барқарорликни таъминлашда муҳим омил саналади. Ҳайвонлар ўсимликлар ҳаётига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Кўпгина ҳашаротлар ва қушлар ўсимликларнинг чангланишида иштирок этса, баъзи сут эмизувчилар ҳамда қушлар ўсимликлар уруғларини бир жойдан иккинчи жойга ташийди. Бошқа бир тоифа ҳайвонлар эса ўсимликларни еб, у ёки бу даражада улар ҳолатини яхшилайди. Табиийки, инсон ҳаётида ҳам ҳайвон ва ўсимликларнинг аҳамияти беқиёс.

Табиатда мутлақ фойдали ёки зарарли тур учрамайди. Ҳар бир турнинг аҳамияти кўп қиррали бўлиб, фойдали ёки зарарли эканлиги унинг бевосита яшаш шароитига, йил фаслларига ва инсон фаолиятига боғлиқ. Масалан, кўпгина зарарли бўлмаган ҳашаротлар чўллар ўзлаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинларига зараркунанда бўлиб қолади.

Йиртқич ҳайвонлар эса, асосан, касал ва нимжон ҳайвонлар билан озиқланиб, популяцияни соғломлаштиради. Шунинг учун қаерда йиртқичлар сони кўпайиб кетиб, сезиларли даражада зарар етказган ҳолда уларни овлаш зарур бўлади. Аммо ҳайвонларга зарар келтиришини ҳисобга олиб, бўриларни батамом қириб юбориш мумкин эмас, чунки улар табиатда мувозанатни сақловчи “санитар” вазифасини ҳам бажаради. Инсон фаолияти давомида ҳайвонот дунёсига салбий ва ижобий таъсир қилиши мумкин. Салбий таъсир натижасида баъзи турлар йўқолиб кетиши, баъзилари камёб бўлиб қолиши мумкин.

Юртимизда табиий экотизимлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, чўл ва яримчўл, тоғолди ҳамда пастқам тоғли жойлар, тоғ, дарё ва қирғоқбўйи ҳамда сувли-ботқоқли жойлар мавжуд. Ўзбекистоннинг биохилмахиллиги ҳозирги пайтда маълум бўлган 27 мингтага яқин турларни ўз ичига олади. Улар орасида ўсимликлар дунёси 11 мингта турга яқин ва ҳайвонот дунёси эса 15,6 мингта турдан ортиқни ташкил қилади.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда табиат муҳофазаси, экологик барқарорлик ва биохилмахилликни сақлаш, қайта тиклашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал база яратилган. Бош қомусимизда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шу асосда қатор қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг юқорида номи келтирилган конвенциясини 1995 йилда ратификация қилган.

Мамлакатимизда биологик хилмахилликни асраш борасида салмоқли ишлар қилинганини ҳам айтиш зарур. Ҳозир юртимизда Зомин, Нурота, Ҳисор, Қизилқум, Сурхон, Чотқол қўриқхоналари, “Сайгачий” мажмуа буюртма қўриқхонаси, Қуйи-Амударё, Угом-Чотқол биосфера резервати, Зомин, Угом-Чотқол, Зарафшон, Хоразм, Китоб, Жанубий-Устюрт миллий табиат боғлари, 11 та табиат ёдгорлиги, 13 та буюртма қўриқхонаси, ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги фаолият юритиб келмоқда. Шу билан бирга, республика ҳудудидан оқиб ўтувчи 8 та дарёнинг сув муҳофаза зонаси, халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ жойлари рўйхатига киритилган Денгизкўл, Айдар-Арнасой кўллар тизими, Қуйимозор ва Тўдакўл нафақат мамлакатимиз, балки минтақадаги экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимизнинг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Шу ҳужжат асосида Қорақалпоғистон Республикасида 2020 йилда 1,447 миллион гектар майдонда “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи ҳамда 2021 йилда 280,5 минг гектар майдонда “Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди. Натижада муҳофазага олинган табиий ҳудудлар майдони 3,8 миллион гектар ёки мамлакатимиз жами ҳудудининг 8,46 фоизига етди. Бу билан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ҳайвонларнинг 74, ўсимликларнинг 76 фоизини қамраб олиш имкони пайдо бўлди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини янгидан ташкил қилиш ва мавжудларини кенгайтириш, бундай ҳудудларда фаолият юритишнинг иқтисодий механизмларини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда олиб бориш, биохилмахилликни муҳофаза қилиш ҳамда унга зиён етказмасдан фойдаланишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш ишлари ҳам олиб борилялти.

Айтиш жоизки, юртимиз флораси таркибидаги турларнинг 700 таси эфир сақловчи ҳисобланади, 100 таси замонавий тиббиётда, 1,5 мингтаси халқ табобатида кенг қўлланилади. Шундан келиб чиқиб, уларни сунъий усулда етиштириш кўлами кенгайиб бораётгани ҳам эътиборга молик.

Сўнгги йилларда турли табиий ва антропоген омиллар туфайли дунёда қурғоқчилик, чўлланиш, деградация каби муаммолар кузатилаётир. Оқибатда ҳайвонот ва наботот турлари сони камаймоқда, яшаш муҳитларидаги аҳвол кескинлашиб, биохилмахилликка путур етаётир. Бундай вазият, албатта, ёввойи турлар муҳофазасини янада такомиллаштириш ҳамда мутахассислар ва кенг жамоатчилик масъулиятини кучайтиришни тақозо этади.

Фикримизни сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудида олиб борилаётган ишлар билан давом эттирамиз. Масалан, денгизнинг қуриган тубида қарийб 1 миллион 700 минг гектарлик ўрмонзорлар барпо этилди. Бу ўрмонлар ҳисобига яқин келажакда Оролнинг қуриган тубида шамол тезлиги секинлашади, қумли-тузли бўронлар камаяди. Бир туп ўрта ёшли саксовул дарахти ўз илдизи билан 10 тоннагача қумни ушлаб қолиши мумкин. Шунингдек, 2 ёшли саксовулзорда ер устида эсувчи шамол 20 фоиз, 6 ёшлида 80 фоизгача пасаяди, 7 ёшли саксовулзорда шамол тезлиги бутунлай тўхтайди ва атмосфера чанг-қум, тузлар билан ифлосланиши 6 баробарга камаяди. Бундан ташқари, бир гектар майдондаги 4 ёшли саксовулчеркез ўрмонзори 1 йилда 1158 кг. ис газини ютиб, 835 кг. кислород ажратади. Демак, бу ерлар вақти келиб, яшил ҳудудга айланади, ҳайвонот дунёси қайтадан пайдо бўлади.

Ҳозирги кунда ҳудудда артезиан қудуқлари орқали сув чиқариш ҳисобига ўзлаштирилган майдонлардаги кичик кўллар атрофида қамишзорлар, бутазорлар ташкил этилаётир. Шу тариқа янги бир экотизим ҳосил бўлиб, ёввойи ҳайвонлар ва қушларни ўзига жалб этишга, уларнинг ўтроқлашиб, ин қўйишига ҳамда кўпайишига шароит яратиляпти. Муҳими, ана шу саъй-ҳаракатлар ҳозирдан натижасини бера бошлади. Яъни ҳудудда тулки, қуён, чиябўри, сайғоқ, қулон, тўнғиз каби турли жониворлар, шунингдек, лочин, фламинго ва оққушлар сезиларли даражада кўпайди.

Умуман олганда, бу борадаги ишлар кўнгилдагидек олиб боріляпти. Аммо ҳали олдимизда турган долзарб масалалар ҳам етарли. Бу вазифалар қуйидагилар:

- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни янада кенгайтириш, қўшни давлатлар билан трансчегаравий муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ташкил этиш чораларини кўриш керак;
- ўрмонлардан оқилона фойдаланиш усулларини кенг жорий қилишга кўмаклашиш, уларнинг йўқолиб кетишини тўхтатиш ва тиклаш кўламини янада ошириш зарур;
- Судочье, Сариқамиш, Сарибас, Жалтирбас ва бошқа кўлларни халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқли ҳудудлар рўйхатига киритилишини таъминлашимиз керак бўлади;
- юртимизнинг барча ҳудудида ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар турини кўпайтиришга ихтисослаштирилган питомниклар ҳамда кўчатхоналар барпо этишни жадаллаштириш муҳим;
- ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, биологик хилмахилликнинг замонавий индикаторларни ишлаб чиқиш зарур;
- соҳада илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳам муҳим.

*Хулоса ўрнида давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюциясини қабул қилиш, мазкур ҳужжат тасдиқланган санани “Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва сақлаш куни” сифатида нишонлаш бўйича илгари сурган таклифини минтақада экологик, ижтимоий, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, биологик хилма-хилликни асраш, инновацион технологияларни жорий этиш, фан, таълим, инновация ва амалиёт уйғунлигига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деб ишонамиз.*

**Эркин ОМОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси бош маслаҳатчиси,**
**Баҳодир ШУКУРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси экспертлар гуруҳи аъзоси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.10 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6